



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аманов Абдоржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Малака ошириш институти

профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17865863>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-dekabr 2025 yil

Ma'qullandi: 05-dekabr 2025 yil

Nashr qilindi: 09-dekabr 2025 yil

KEYWORDS

ички ишлар органлари,
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, хизмат,
фаолият, такомиллаштириш..

ABSTRACT

Мақолада ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари фаолиятини такомиллаштириш хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги [1] қонунига биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаб-ларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи-ларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойлари-дан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришдан [1] иборатдир.

Шунингдек, қайд этилган қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари баён этилган бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлардан бири

- Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидир. Ички ишлар органлари тизимида эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини асосий ва кенг доирада амалга оширувчи таркибий тузилма – ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари бўлиб, улар фаолияти Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани [6] (39-с), ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти янада ошишига сабаб бўлмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларини амалга оширишда эса, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари муҳим аҳамият касб этади ва ушбу вазифаларни амалга ошириш ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг хизмат мажбуриятлари саналади.

И. Исмоилов, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзалликлари: *биринчидан*, салбий ходисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгаллиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгаллиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принципларига асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади [3] (173-б.) деб тўғри таъкидлаган.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ўз ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини аввало, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни-га биноан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси кўринишида амалга оширадilar. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича фаолиятидир [1].

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига илмий жамоатчилик томонидан бир қанча таърифлар берилган. Масалан, М.Ю. Кержнер ва Ғ.Т. Абдуллаходжаевлар, умумий профилактикага «давлат миқёсида ташкил этилади ва жинойятчиликка қарши курашни ташкил этишдаги давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади» [4] (170-б.) деб қайд этганлар. Н.Б. Қурбонов, жинойтчиликнинг умумий олдини олиш деганда, жинойтчиликка қарши курашишнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа институтларини ривожлантириш, инсонларни маънавий-маърифий камолоти учун шароит яратиш, жинойтчиликни келтириб чиқарадиган турли сабабларни аниқлаш, жинойтчиликни юзага келтирувчи шароитларнинг зарарли

таъсирини олдини олиш назарда тутилади [8] (139-140-б.) деб қайд этади. Шунингдек, айрим адабиётларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси деганда, профилактика субъектларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти [5] (192-194-б; 7-б.) тушунилиши таъкидланган.

Айтиш мумкинки, билдирилган фикрларда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг барча ўзига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари очиб берилмаган. Бизнинг назаримизда Қ.Р. Абдурасулова томонидан кенг ва мукамал таъриф берилган. Яъни, унда, умумижтимоий профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга, бошқа ғайриижтимоий қилмишларга қарши курашишга, фуқаролар ва мансабдор шахсларни қонунга хурмат руҳида тарбиялашга, ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирларни қамраб олади» [2] (104-б.) деб қайд этилган.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади бир вақтнинг ўзида бир гуруҳ шахс ёки кенг жамоатчиликка нисбатан ғайриижтимоий хулқ-атвор ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этилиш усуллари ва шакллари, виктимологик омилларнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғибот қилиш ва огоҳликка чақиришдан иборатдир. Яна, шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида бир қанча ижтимоий муносабатлар субъектларига профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эгаллиги ва вақтни тежаш имкониятининг мавжудлигини, кам куч ҳамда маблағ сарфланишини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндошилишини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари сифатида қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги [1] қонунига биноан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг чора-тадбирлари:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўтказиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишдан иборат.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин (Қонуннинг 23-моддаси).

Ушбу қонунга биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари-дан яна бири бу – *ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир*. Ҳуқуқ-бузарликларнинг махсус профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактика-сини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги

хуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятidir [1].

Таъкидлаш лозимки, айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун асос бўлади. Мазкур фаолиятни амалга оширишда эса, ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига кўра, айрим турдаги хуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

- илгари судланган шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

- спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси.

Хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ўзига хос жиҳатлари-дан бири шуки, у фақат хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ташаббуси ва раҳбарлиги остида, олдиндан ишлаб чиқилган ва ички буйруқ билан тасдиқланган махсус режалар асосида амалга ошириладиган махсус тадбирлардан (илгари судланган ҳамда ички ишлар органлари маъмурий назоратида турган шахслар ўртасида - «Назорат»; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида - «Қорадори»; вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича - «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир», «Ойна», «Ғамхўрлик»; ва бошқа) иборатдир.

Айтиш мумкинки, хуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси кўпинча криминоген вазият оғир бўлган ҳудудларга ҳамда хуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириқлар асосида амалга оширилиши билан профилактиканинг бошқа турларидан ажралиб туради. Яъни, ички ишлар органлари хуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан, маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда айрим турдаги хуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги хуқуқбузарлик-

ларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чоратадбирларини амалга оширади.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ушбу фаолият устидан доимий назорат, таҳлил ҳамда режалаштиришнинг ўз вақтида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари амалга оширилаётган ҳудуднинг ва даврнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи ва уларнинг содир этилишига имконият яратувчи омилларнинг моҳиятини, ҳуқуқбузарлик содир этувчиларнинг шахси, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг куч ва имкониятларини ўрганган ва ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирларини ўз жойида ёки вақтида, сифатли ва келажак учун самарали амалга оширилишида барча таркибий тузилмалар ўзларининг ойлик, чорақлик ва йиллик ҳисоботларида тегишли ҳудудларида қайси турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки шахслар тоифалари кўпаётганлиги ҳамда жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига, шахс, жамият, давлат манфаатларига тажовуз қилувчи салбий ҳолатлар ҳақида акс эттиришлари ҳамда келажакдаги фаолиятлари учун ишлаб чиқиладиган режаларида уларни олдини олиш бўйича тадбирлар белгилашлари ва мазкур белгиланган тадбирларни амалга оширишлари уларга бириктирилган ҳудудларда нафақат ҳуқуқбузарликлар ҳолатига балки шу ҳудуддаги жамият ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Мазкур фикримизнинг мантиқий давоми сифатида айтишимиз мумкинки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси тадбирларини икки йўналишда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус криминологик профилактикаси – яъни, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишга мойил ғайриижтимоий хулқ-атвор ва турмуш тарзига эга шахслар тоифасини камайтиришга йўналтирилган махсус профилактика;

2. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус виктимологик профилактикаси – яъни, содир этилган ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ва келгусида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар тоифасини камайтиришга йўналтирилган махсус профилактика.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир

этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир [1].

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларни ҳуқуқбузарликнинг қурбонига айланиш хавфининг мавжудлиги, хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлашдир яъни, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турларига нисбатан самарали таъсир кўрсатиш имкониятига эга.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарлик-ларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш ҳамда маъмурий назоратдан иборатдир.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турлари каби якка тартибдаги профилактиканинг ҳам ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари шахсга нисбатан якка тартибда профилактика иши олиб бораётганда шахснинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, касби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойи кабилар), маънавий-руҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқараши, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини ўрганиб, шу асосда якка тартибдаги профилактиканинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ўта мураккаб жараён бўлиб, уни амалга ошираётган субъектдан психологик, педагогик, ҳуқуқий, этик ва эстетик соҳаларга доир комплекс билимлар мажмуини талаб этади. Шу билан бирга, профилактик мулоқотга киришишда мантиқ, индукция ва дедукция, анализ ва синтез каби усулларни қўллай олишга оид назарий билим ва қўникмаларнинг мавжудлиги тақозо этилади. Мазкур фикрлар ва олиб борилган таҳлиллар асосида айтишимиз мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида беш йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият юритаётган, бой амалий тажрибага эга, муомалада киришимли ходимлар томонидан олиб борилиши ўзининг ижобий натижасини беради.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда шахснинг ўзини, у яшаётган ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, ғайриижтимоий хулқ-атвори, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тавсифловчи ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши лозим.

Одатда, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси объектларини ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганлар ташкил этади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда аввало ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, ҳуқуқбузарлик содир этган, маъмурий назоратга ёки профилактик ҳисобга олинган шахс, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахслар ҳақида тўлиқ маълумотларни йиғган ҳолда якка тартибдаги профилактика иши бўйича индивидуал режа тузиш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган тартибда белгилаб олинган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга мазкур жараёнда вазият тақозоси билан белгилаб олинган якка тартибдаги профилактик чора-тадбирлар ўзгартирилиши ёки қўшимча равишда профилактик чоралар ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу жараёнда амалга оширилган профилактик тадбирлар натижаси таҳлил қилиниб, муайян муддатда якка тартибда профилактика ўтказилган шахсга кўрилган профилактик чоралар қандай таъсир кўрсатганлиги текширилиб, сўнг ушбу шахсга нисбатан олиб борилаётган ишларни келгусида қай йўсинда ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш лозим. Масалан, муддатидан илгари профилактик ҳисобдан чиқариш ёки маъмурий назорат муддатини узайтириш юзасидан тақдимнома киритиш ёхуд режага кўра якка тартибдаги профилактик ишларни давом эттириш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг усул ва шакллари, профилактик чора-тадбирлари мазкур фаолиятнинг мазмунини ташкил этади. Бу борадаги билимлар ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини самарали ташкил этилиши ва амалга оширилишини кафолатлайди. Шу билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси амалга оширилган ёки оширилаётган шахслар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси самарадорлигини ошириш ҳамда амалга ошириладиган чора-тадбирларни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш, бунда замонавий касбий билим ва тажрибаларни уйғунлаштириш максадида, ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларини қўллашга доир методик тавсияларни ишлаб чиқиш лозим. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги [1] қонунининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги

профилактикасини ташкил этишга доир нормалар қўлланилишини такомиллаштиришга хизмат килади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларидан бири – бу ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни қабул қилингунга қадар юридик адабиётларда учраган «ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси» тушунчаси мазкур қонун билан ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилди. Ушбу қонунга биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир [1].

Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг мақсади ижтимоий муносабатлар субъектларининг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиши билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни комплекс тарзда ўрганган ҳолда уларнинг жабрланиш эҳтимолини максимал даражада камайтиришга йўналтирилади, яъни бу борада виктимоген омилларни аниқлаш, бартараф этиш, зарарсизлантириш ва уларнинг таъсирини камайтиришга ҳамда виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларни аниқлаш, улардаги виктимлик даражасини пасайтириш ва уларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш хавфини камайтиришга қаратилган комплекс ҳимоя-тарбия чора-тадбир-ларини амалга оширишдир. Бошқача айтганда, виктимологик профилактика ҳуқуқбузарликдан жабрланишга мойил бўлган шахсларга ҳамда улардаги бундай мойилликни шакллантирувчи омилларни бартараф этишга қаратилади.

Виктимологик профилактиканинг ўзи ҳам умумий, махсус ва якка тартибда амалга оширилиши мумкин [7] (35-б.). Қонунда виктимологик профилактиканинг турлари, шакллари ва усуллари ҳақида алоҳида ёндашув мавжуд бўлмаса-да, аммо бу борада назарий қоидалар ишлаб чиқилган. Айнан шу қоидалар ва тартиблар асосида ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- умумий тартибдаги виктимологик профилактика;
- якка тартибдаги виктимологик профилактика;
- махсус тартибдаги виктимологик профилактика;
- амалий кўринишга эга виктимологик профилактика [9] (161-б.).

Таъкидлаш лозимки, ушбу қайд этилган профилактик чора-тадбирларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, амалга оширувчи субъектлардан масъулият билан ёндошишни талаб этади. Яъни, бунда ҳар бир профилактик чора-тадбирни амалга ошириш учун тайёргарлик кўриш, бевосита амалга ошириш, натижаларини таҳлил қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш каби босқичларни кетма-кетликда босиб ўтилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кенг қўламлиги ва ўзига хос серқирралиги билан ажралиб туради. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг асосий

мақсадларидан бири жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлиб, мазкур мақсадни амалга ошириш учун белгиланган вазифа ҳамда функцияларнинг моҳиятини жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ташкил қилади. Бу йўналишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг асосий вазифалари ҳам жамоат тартиби бузилишига олиб келувчи омилларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигининг самарали таъминлашдир. Бошқача айтганда, жамоат тартибини сақлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси орқали эса, жамоат тартиби сақланиб, жамоат хавфсизлиги таъминлашга эришилади.

Таъкидлаш лозимки, амалга ошириладиган ҳар бир чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва муваффақияти бевосита уни ўтказиш асослари ва тартибининг аниқ ҳамда мукамал белгиланганлиги билан боғлиқ бўлганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари ҳам худди шундай асос ва тартибга эга бўлмоғи лозим. Зеро, ушбу фаолиятнинг самарадорлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда ҳар бир чора-тадбирга алоҳида ва тизимли ёндашган ҳолда амалга оширишга боғлиқ. Мазкур масалани ижобий ҳал этилишида эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир энг мақбул чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини самарали ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
- 2.Абдурасулова Қ.Р. Криминология: Дарслик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б. 104 (305).
- 3.Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология: дарслик. - Т., 1996. – Б. 173.
- 4.Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 170 (539).
- 5.Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 192–194; Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси психологияси: Дарслик / Ё.А.Фарфиев, М. З.Зиёдуллаев ва бошқ. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 7.
- 6.Мартыненко О.А. Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины: Монография. – Х., 2005. – С. 39.
- 7.Хужакулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонун ҳужжатлари: илмий-амалий таҳлил // УзР ИИВ Академиясининг ахборотномаси. - 2015. - № 4. - Б. 35.
- 8.Қурбонов Н.Б. Одамлардан фойдаланиш учун ёллаш жиноятида жавобгарлик масалалари (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари). юрид. фан. ном. дис. — Т., 2005. – Б. 139–140 (180).
- 9.Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. Т. – 2020 – Б. 161.